

“Ташаббусли бюджет” ижроси назоратда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда соҳага доир бошқа қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида 2022 йил апрель ойида Узун тумани бўйича **жами 10 та** лойиҳалар ғолиб деб топилди.

Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича туманда 2021 йил якунига кўра шаклланган қўшимча маблағлар ҳамда 2022 йилнинг 01 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан **“Фуқаролар ташаббуси бюджети”** жамғармасига жами **5,6 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Лойиҳа ташабbusкорлари томонидан киритилган **10 та** лойиҳани ёқлаб фуқаролар томонидан жами 19853 та овоз шакллантирилган.

Улардан **3 млрд. 66 млн** сўмлик **4 та** туман худудидаги ички йўлларни таъмирлаш, **1 млрд. 940 млн** сўмлик **5 та** умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий техника базасини мустахкамлаш ҳамда жиҳозлашга, **600 млн.** сўмлик **1 та** мактабгача таълим ташкилотларни таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан лойиҳаларини ташкил этади.

Хозирда, мазкур лойиҳалар ижроси юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва тегишли экспертизадан ўтказиш ишлари бошлаб юборилган бўлиб, жараёнлар туман прокуратураси, туман молия бўлими ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокидаги ишчи групкалар томонидан алоҳида назоратга олинган.

**Узун туман прокурорининг
ёрдамчиси Ф.А.Зикиров**